

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил [REDACTED] апрель куни, Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья [REDACTED], ҳайъат судьялари [REDACTED] ва [REDACTED] дан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], судланган [REDACTED] нинг ҳимоячиси, адвокат [REDACTED] нинг иштирокида, [REDACTED] га оид жиноят ишини ўзи томонидан тафтиш тартибида билдирилган шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 202[REDACTED] йил [REDACTED] июндаги ҳукмига кўра:

19[REDACTED] йил [REDACTED] Ҳазорасп туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти [REDACTED], оилали, [REDACTED] нафар фарзанди бор, ишсиз, судланмаган, [REDACTED] тумани, [REDACTED] маҳалласи, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшаб келган, иш бўйича [REDACTED] йилдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва суд қарорларини ўз муддатида олган [REDACTED] га нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан 5 йил озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони 2025 йил 18 февраль кунидан бошлаб умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 18 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 479-моддасининг 4-қисми талабидан келиб чиқиб, судланган [REDACTED] жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётганлиги сабабли ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган [REDACTED] 202[REDACTED] йил [REDACTED] куни соат 15.30ларда Хоразм вилояти, Боғот тумани, “Юксалиш” маҳалласи худудидан ўтган [REDACTED] автомобил йўлининг [REDACTED] кетаётган ўзининг бошқарувида бўлган оқ рангли, “[REDACTED]



рақам белгили автомашинаси шубҳа уйғотганлиги сабабли [REDACTED] ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, ёни ва бошқарувида бўлган ушбу автомашина холислар иштирокида кўздан кечирилганида, автомашина салонида ўтказиш мақсадида, қонунга ҳилоф равишда сақлаб келган икки бўлак, шаффоф рангли, полиэтилен целофан парчасига ва 2.000 сўмлик пул купюрасига ўралган оқ-сарғиш рангли донатор, кукинсимон, уксус хидли, соф [REDACTED] моддаси борлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштирилиб олинган.

**Судланган [REDACTED] тафтиш шикоятда,** гиёҳвандлик воситасини сотиш ёки ўтказиш мақсадида сақлаганлигини тасдиқловчи далил мавжуд эмаслиги, гиёҳвандлик воситасини ИИБ ходимларига ўз ихтиёри билан тақдим қилгани ҳақида важлар келтириб, ҳаракатини ЖК [REDACTED] 2-қисмидан ЖКнинг 276-моддасига қайта малакалашни ва қандли диабет касаллигига чалинганлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Тафтиш инстанцияси суди, иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, судланган [REDACTED] химоячиси, адвокат [REDACTED] шикоятни қаноатлантириб, суд қарорларини ўзгартириш ҳақидаги ҳамда прокурор [REDACTED] шикоятни қаноатлантирмасдан, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, тафтиш шикоятда келтирилган важларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни ҳамда тафтиш тартибида берилган шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Судлар иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган [REDACTED] эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини химоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, айби исботланганлиги тўғрисида асосли хулосага келган ва унинг айб квалификациясини муҳокама қилишда, ўз айбига қисман иқrorлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби гувоҳларнинг суддаги кўрсатувлари, билдиргилар, чора-тадбирлар режаси, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақидаги қарор, кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш, ўлчаш баённомалари, фотосуратлар, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, тушунтириш хатлари, суд-кимёвий экспертизасининг [REDACTED]

[REDACTED] объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топганлиги ҳақида асосли хулосага келишган.

Биринчи инстанцияси суди томонидан [REDACTED] ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

**Судлов ҳайъати, судланган [REDACTED] шикоятда келтирган ва адвокат [REDACTED] тафтиш инстанцияси судидаги музокарасида билдирган, [REDACTED] жинoий ҳаракатини ЖК**



**273-моддасининг 2-қисмидан ЖКнинг 276-моддасига қайта малакалаш лозимлиги ҳақидаги вазлари билан келишилмайди деб ҳисоблайди.**

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддасида, ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши, бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши;

ЖПКнинг 95-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 21-бандида, ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги, шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши ҳақида;

мазкур қарорнинг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖКнинг 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истемол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадокланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳоказолар киришлиги, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб,



айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 273-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанцияси суди томонидан ушбу Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига мувофиқ тўғри қарор қабул қилинган деб ҳисоблайди.

Хусусан, судланган [REDACTED] автомашинасидан расмийлаштирилиб олинган, жами соф оғирлиги 0,62 грамм бўлган кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини келгусида қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида сақлаганлиги ҳолати бўйича ашъвий далиллар билан ушланганлиги қуйидаги далиллар билан тасдиқланган.

Гарчи, суд-наркология экспертизасининг [REDACTED] мартдаги [REDACTED] хулосасида, [REDACTED] “героин” моддасини чекиш йўли орқали истеъмол қилиши кўрсатилган бўлса-да, судлов ҳайъати унинг ёнидан олинган гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилган деб ҳисоблайди.

[REDACTED] 252-сонли хулосасида, [REDACTED] автомашинасидан олинган жами 2 бўлак оқ-сарғиш рангли, донатор, кукунсимон, уксус ҳидли модда таркибида фаол гиёҳванд модда диацетилморфин мавжудлиги, бу модда “героин” эканлиги, унинг жами соф [REDACTED] тенглиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (1 рўйхат)нинг 29-бандида, “героин” гиёҳвандлик воситасининг 0,005 граммидан ортиғи кўп миқдорни ташкил қилиши белгиланган.

Суд-кимёвий экспертизасининг [REDACTED] хулосасига мувофиқ, [REDACTED] қони ва сийдигидан гиёҳванд моддалар туркумига кирувчи опият ва 9-тетрагидроканнабинол моддаси қолдиқлари топилмаган.

Амбулатор суд-наркологик экспертизасининг [REDACTED] Хоразм вилояти филиалига мурожаат қилмагани, диспансер ҳисобида турмаслиги ва мажбурий тартибда даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

[REDACTED] автомашинасидан аниқланган “героин” гиёҳвандлик воситасини бўлақларга бўлинган ҳолда алоҳида қадокланганлиги ҳам, унинг мазкур гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб қўйганини билдиради.

Баён қил [REDACTED] анларга кўра, судлов ҳайъати ишдаги далилларга баҳо бериб, [REDACTED] автомашинасидан ҳужжатлаштириб олинган 0,62 грамм кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилинишини истисно



этадиган миқдорда сақлаб келгани ҳамда унинг экспертиза хулосаларига кўра, диспансер ҳисобида турмаслиги, мажбурий тартибда даволанишга мухтож эмаслиги ҳамда қони ва сийдигидан гиёҳванд моддалар туркумига кирувчи опиат, 9-тетрагидроканнабинол моддаси қолдиқлари топилмагани тўғрисидаги маълумотлар, унинг мазкур гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсади бўлган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати баён қилинганларга кўра, мазкур жиноят ишини судлар томонидан ЖПКнинг 22-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда кўрилиб, аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан тўла ва холисона текширилиб, [REDACTED] айби, суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94 ва 95-моддалари талабига мувофиқ ҳолда баҳо берилган далиллар билан асослантирилган деб ҳисоблайди.

**Судлов ҳайъати, [REDACTED] шикоятда келтирган ва адвокат [REDACTED] тафтиш инстанцияси судидаги му [REDACTED] билдирган, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, [REDACTED] нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш лозимлиги ҳақидаги вазлари билан ҳам келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

шу кодекснинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги;

шу кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинoий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

шу кодекснинг 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо



адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди судланган [REDACTED] нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига амал қилиб, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, оиласида ягона боқувчилигини, муқаддам судланмаганлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, гиёҳвандлик моддаси тури ва миқдорини, жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, келгусида ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо чораси сифатида, ЖК 273-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний ва адолатли тўхтамга келган.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди ҳам судланган Ф.Хайитбоевнинг ҳимоячиси, адвокат [REDACTED] апелляция тартибидаги шикоятда келтирган барча важларини батафсил ўрганиб, иш ҳолатларига тўлақонли ҳуқуқий баҳо берган.

Юқоридагиларга кўра, тафтиш судлов ҳайъати, суд қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

[REDACTED] нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Боғот туман судининг [REDACTED] ҳукми ҳамда Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг [REDACTED] ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиши учун шикоят (протест) билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

[REDACTED]

Ҳайъат судьялари:

[REDACTED]

[REDACTED]

